| 8. | Маълумотлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва натижаларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш. | 1. Етакчи экспертларни жалб қилган ҳолда очиқ маълумотлар бўйича республика ва халқаро конференциялар ҳамда саммитларни ташкил этишни жорий қилиш. | Доимий равишда | **Бажарилмоқда.**<br>2021 йилнинг 26 январь куни Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққитёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги мутахассислари ҳамда Жаҳон банки эксперти иштирокида Жаҳон ривожланиш индикаторлари базасида Ўзбекистон Республикасининг мавжуд бўлмаган индикаторларини шакллантириш масалалари бўйича видеоконференция режимида мулоқот ташкил этилди.<br>Шу билан бирга шу куни Давлат статистика қўмитаси вакиллари БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ҳамда Халқаро транспорт форуми ҳамкорлигида ташкил этилган видеоконференцалоқа режимидаги учрашувда иштирок этди.<br>2021 йилнинг 18 февраль куни Давлат статистика қўмитасида ҳудудий статистика органлари ходимлари учун Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали фаолиятини ривожлантириш бўйича онлайн-вебинар ташкил этилди.<br>2021 йилнинг 24 февраль куни очиқ маълумотлар соҳасида халқаро онлайн конференция ташкил этилган бўлиб, унда Open Data Inventory (ODIN)нинг 5 йиллик ҳисоботи эълон қилинди. Мазкур тадбирда Давлат статистика қўмитасидан Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи А. Султанов Ўзбекистоннинг очиқ маълумотлар соҳасида эришган ютуқлари тўғрисида маъруза билан қатнашди.<br>2021 йилнинг 2 апрель куни Hyatt Regency Tashkent меҳмонхонасида Давлат статистика қўмитаси, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT Park Uzbekistan) ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан ташкил этилган "Ўзбекистонда очиқ маълумотлар экотизимининг амалий аҳамияти ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида семинар бўлиб ўтди.<br>(https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/8702-o-zbekistonda-ochiq-ma-lumotlar-ekotizimining-amaliy-ahamiyati-va-rivojlanish-istiqbollari-mavzusida-seminar-bo-lib-o-tdi-2).<br>2021 йилнинг 21 май куни Open Data Watch экспертлари томонидан Давлат статистика қўмитаси ходимлари учун “Open Data Uzbekistan workshop agenda” деб номланган тадбир ташкил этилди.<br>Шу билан биргаликда, 2021 йилнинг 24-28 май Давлат статистика қўмитаси томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори кўмагида Open Data Inventory (ODIN) халқаро очиқ маълумотлар рейтингини олиб борувчи Open Data Watch ташкилоти вакили Жемисон Кроуэлл билан семинар- |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | тренинглар ташкил этилди.<br>2021 йилнинг 10-25 август кунлари 127 та вазирлик ва идораларнинг 232 нафар ходимлари учун Давлат статистика қўмитаси, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки (IT-park), шунингдек, Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази томонидан ташкил этилган “Очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш”, уларнинг аҳамияти ва зарурияти, маткриаллардан фойдаланишнинг афзалликлари, маълумотлар тўпламларини Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталининг (https://data.egov.uz/) янги талқинига жойлаштириш бўйича кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган онлайн ўқув курслари бўлиб ўтди.<br>https://data.egov.uz/uzbKr/news/127-ta-vazirlik-va-idoralarning-232-nafar-xodimi-u<br>2021 йил 3–6 октябрь кунлари Швейцариянинг Берн шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментининг статистика бўлими ҳамда Швейцария Конфедерацияси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 3 Бутун жаҳон маълумотлар Форуми ташкил этилди. Мазкур форумда 150 га яқин мамлакатдан 7 мингдан ортиқ мутахассислар онлайн ва бевосита |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | жойида иштирок этди. Ушбу тадбирда, Давалат статистика қўмитасининг Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Акром Султанов қатнашди.<br>Жорий йилнинг 2 ноябрь куни Лондондаги Очиқ маълумотлар институти (ODI) томонидан ўтказилган саммитда одамларнинг маълумотларга бўлган муносабати ҳақида фикр-мулоҳаза алмашилди. Мазкур саммитда Давлат статистика қўмитаси Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Акром Султонов ҳам иштирок этди.<br>2021 йилнинг 26 ноябридан 3 декабрига қадар Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан “Open data Week Uzbekistan – 2021” очиқ маълумотлар хафталиги ташкил этилди. Мазкур хафталик доирасида турли тадбир, учрашув ва танловлар ўтказилди.<br>Жумладан, “Коррупцияга қарши очиқ маълумотлар” мавзусида халқаро онлайн семинар, халқаро экспертлар иштирокида “Oʻzbekistonda Data journalism” маълумотларга асосланган журналистикани тарғиб этиш лойиҳаси доирасида семинар, “Open Data |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Challenge – 2021” хакатони ташкил этилди.<br>2022 йилнинг 22 февраль куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) кўмагида Халқаро очиқ маълумотлар Хартияси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш бўйича тузилган очиқ маълумотлар тўплами юзасидан якуний ҳисоботнинг тақдимотига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Халқаро очиқ маълумотлар Хартиясининг Бошқарувчи директори (Н.Карфи) ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг хорижий экспертлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси вакиллари (А. Султанов) ўз презентациялари билан қатнашди.<br>2022 йил 28 июль куни очиқ маълумотлар соҳасида таниқли эксперт Юрий Линьков, халқаро ташкилотлар вакиллари, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходимлари иштирокида “Ўзбекистонда очиқ маълумотларни ривожлантириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш” бўйича вебинар бўлиб ўтди.<br>2022 йилнинг 21 сентябрь куни Давлат статистика қўмитаси мутахассислари ҳамда Жаҳон банки экспертлари иштирокида Жаҳон |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | банкининг Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти ва Давлат статистика қўмитаси билан ҳамкорликдаги иштироки, шунингдек, Коррупцияга қарши кураш ва очиқ маълумотлар дастурини қўллаб-қувватлашда Давлат статистика қўмитасининг роли, Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар экотизимининг ҳозирги ҳолати ҳамда очиқ маълумотлар соҳасида эришилган натижалар хусусида тадбир бўлиб ўтди. https://data.egov.uz/uzbKr/news/jahon-banki-ekspertlari-ishtirokida-ushrashuv-otka 2022 йил 22 сентябрь куни Давлат статистика қўмитаси биносида очиқ маълумотлар соҳасида таниқли эксперт Open Data Watch ташкилоти вакили Жемисон Кроуелл (Jemison Crowell), ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси мутахассислари, Давлат статистика қўмитаси ва Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходимлари иштирокида “Ўзбекистонда очиқ маълумотларни ривожлантириш, Open Data Inventory (ODIN) ва бошқа халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш” мавзусида семинар бўлиб ўтди. https://data.egov.uz/uzbKr/news/ozbekistonda-ochiq-malumotlarni-rivojlantirish-mas 2022 йил 15 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёти |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | университети ҳамкорликда “Статистика соҳасида компютер технологияларининг ривожланиши” мавзусида семинар ўтказилди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Респбликаси давлат статистика қўмитасининг Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Рақамли иқтисодиёт факултети талабалари учун Россия Федерациясидаги “Статпро” компанияси раҳбари иқтисодиёт фанлари доктори Полякова Татяна Михайловна томонидан “Статистика соҳасида компютер технологияларининг ривожланиши” мавзусида семинар ташкил этилди.<br>https://data.gov.uz/news/ozbekiston-respublikasi-davlat-statistika-qomitasi<br>2023 йил 23 январь куни Очиқ маълумотлар ҳафталиги доирасида “Сунъий интеллект” технологияларидан фойдаланишга бағишланган семинар ўтказилди. Ушбу семинарда Даниядаги Мисрософт офисининг Маълумот ва Сунъий интеллект асосида Булутли ечим архитектураси департаменти директори (Head of Data and AI Cloud Solution Architecture, Microsoft Denmark) Умид Ахмедов иштирок этди. Семинарда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4996-сон қарорида берилган топшириқлар муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар портали фаолияти доирасида маҳаллий илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги дастурчилар ва ташкилотларга сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотда фойдаланиш учун давлат ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи рақамли маълумотлар платформасинининг фаолияти ўрганилди.<br>https://data.gov.uz/news/suniy-intellekt-texnologiyalaridan-foydalanishga-b<br>Халқаро экспертлар жалб қилиниши натижасида, 2023-йил 14-февраль ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Open data watch тамонидан баҳолаб бориладиган, Open Data Inventory (ODIN) очиқ маълумотлар рейтингида 66-баллни тўплаган ҳолда мазкур рейтингда дунёда 40-ўринга кўтарилди ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни сақлаб қолди.<br>«International Open Data Day» доирасида Статистика агентлиги ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходимлари ва экспертлар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | иштирокида мамлакатимизда очиқ маълумотларни оммалаштириш ҳамда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга бағишланган «Open Data Day Tashkent - 2023» мавзусида тадбирлар ташкил этилди.<br>Жорий йилнинг 29-март куни Коррупцияга қарши курашиш агентлигида Очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.<br>Унда 2022-йил якунларига кўра, давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси асосида тўпланган барча кўрсаткичлар атрофлича муҳокама қилиниб, якуний натижалар эълон қилинди.<br>Энг юқори самарадорлик кўрсаткичлари Статистика агентлиги (89 балл), Божхона қўмитаси (88 балл), Тошкент вилоят ҳокимли (83 балл), Хоразм вилоят ҳокимлиги (79 балл) ва “Навоий кон-металлургия комбинати” аксиядорлик жамияти (79 балл) томонидан қайд этилган.<br>2023- йил 24–27 апрель кунлари Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти Статистика бўлими ҳамда Хитой Халқ Республикаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Миллий статистика бюроси томонидан БМТнинг 4-бутунжаҳон маълумотлар форуми ташкил этилди. Мазкур форумда 150 га яқин мамлакатдан 7 мингдан ортиқ мутахассислар онлайн ва бевосита иштирок этди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Акром Султанов қатнашди.<br>2023 йилнинг 12-14 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги ходимлари (А.Султанов ва У.Ноипов) ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори кўмаги билан Вашингтонда (АҚШ) Open Data Watch (ODW) ташкилоти томонидан ўтказилган маълумотларнинг очиқлиги ва сифати, метамаълумотлар ва маълумотларни тарқатиш бўйича ихтисослаштирилган тренингда иштирок этишди.<br>https://data.egov.uz/uzbKr/news/aqshning-vashington-shahrida-ochiq-malumotlar-sifa<br>Ўзбекистон Республикаси Open Data Inventory(ODIN) очиқ маълумотлар рейтингида 70 балл тўплаган ҳолда дунёда 30 ўринга кўтарилди.<br>Мазкур натижа мамлакатимизда очиқлик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг яққол ифодасидир. Open Data Inventory (ODIN) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | очиқ маълумотлар рейтингида 195 та мамлакат баҳоланди.<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги Open Data Watch ташкилоти билан 2019 йилдан бошлаб, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори кўмагида ҳамкорлик қилиб келмоқда.<br>https://data.egov.uz/uzbKr/news/ozbekiston-ochiq-malumotlar-reytingida-dunyoda-30-<br>2023-йил 14–15-сентябрь кунлари Чехиянинг Прага шаҳрида Европа Халқаро ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) томонидан “Барқарор ривожланиш ва инклюзив иқтисодий ўсишга эришиш орқали ЕХҲТ ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш” мавзусида форум ташкил этилди.<br>Ушбу форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Акром Султонов “Ўзбекистонда очиқ маълумотларни ривожлантириш” мавзусидаги тақдимоти билан иштирок этди.<br>https://data.egov.uz/uzbKr/news/statistika-agentligi-xodimi-pragadagi-yexht-forumi |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Open Data Watch ташкилотининг 2022/2023-йилги ҳисоботида Ўзбекистон “Очиқ Гендер маълумотлари индексида” 69,7 балл тўплаган ҳолда бу кўрсаткич бўйича жаҳондаги энг яхши 20 та мамлакат орасидан жой олди.<br>Гендер маълумотлари индекси бутун дунё бўйлаб гендер маълумотларининг мавжудлиги ва очиқлигини ўлчайди. Индекс 35 та статистик тоифадаги 11 та кўрсаткичнинг мавжудлигига асосланади.<br>Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигида гендер статистикасини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича алоҳида бўлинма ташкил этилган.<br>Агентликнинг /https://gender.stat.uz/uz/расмий веб-сайти ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган.<br>https://data.egov.uz/uzbKr/news/ozbekiston-ochiq-gender-malumotlar-indeksida-697-b<br>2023-йилнинг 20-декабрь куни Ўзбекистонда очиқ маълумотлар соҳасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар мавзусида Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув якунида икки тарафлама ҳамкорлик алоқаларини янада |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга келишиб олинди.<br>https://data.egov.uz/news/ozbekistonda-open-data-week-uzbekistan-2023-ochiq<br>2023-йилнинг 19-26 декабрь кунлари мамлакатимизда очиқ маълумотлар ҳафталиги – “Open Data Week Uzbekistan – 2023” бўлиб ўтди. Ушбу тадбир доирасида ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси вакили билан учрашув ўтказилди.<br>https://data.egov.uz/uzbKr/news/ozbekistonda-open-data-week-uzbekistan-2023-ochiq |
| | | 2. Очиқ маълумотлар куни “Open Data Day”ни ўтказиш. | 2021 йил март | **Бажарилди.**<br>2021 йилнинг 5 март куни Давлат статистика қўмитаси Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан “International Open Data Day” доирасида давлат статистика қўмитаси ходимлари, вазирлик ва идоралар ходимлари ҳамда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги координатори ҳамда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходимлари ва экспертлари иштирокида мамлакатимизда очиқ маълумотларни оммалаштиришга бағишланган “Open Data Day Tashkent – 2021” мавзусида тадбир ташкил этилди (https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/8285-international-open-data-day-doirasida-xalqaro-ochiq-ma-lumotlar-kuniga-bag- |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | ishlangan-tadbirlar-tashkil-etildi). Унда 2021-2025 йилларда очиқ маълумотларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва принциплари, очиқ маълумотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, маълумотларнинг очиқлигини методик қўллаб-қувватлашни таъминлаш, маълумотларнинг очиқлигини ташкилий ва ахборот-технологик жиҳатдан таъминлаш, “2021-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш концепцияси”ни амалга оширишдан кутилган натижалар каби масалалар муҳокама қилинди.<br>2022 йилнинг 8 март куни “International Open Data Day” доирасида давлат статистика қўмитаси ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги координатори ҳамда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходимлари ва экспертлар иштирокида аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш, шунингдек, мамлакатимизда очиқ маълумотларни оммалаштиришга бағишланган **“Open Data Day Tashkent - 2022”** мавзусида тадбирлар ташкил этилди.<br>https://data.egov.uz/uzbKr/news/open-data-day-tashkent-2022-mavzusida-tadbirlar-ta)<br>2023 йилнинг март ойида «International Open |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Data Day» доирасида Статистика агентлиги ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходимлари ва экспертлар иштирокида мамлакатимизда очиқ маълумотларни оммалаштириш ҳамда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга бағишланган **«Open Data Day Tashkent - 2023»** мавзусида тадбирлар ташкил этилди. https://data.egov.uz/uzbKr/news/open-data-day-tashkent---2023-mavzusida-tadbirlar |
| | | 3. Очиқ маълумотлар ҳафталиги “Open Data Week”ни ўтказиш. | 2021 йил декабрь | 2021 йилнинг 26 ноябридан 3 декабрига қадар Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан “Open data Week Uzbekistan – 2021” очиқ маълумотлар хафталиги ташкил этилди. Мазкур хафталик доирасида турли тадбир, учрашув ва танловлар ўтказилди.<br>Жумладан, “Коррупцияга қарши очиқ маълумотлар” мавзусида халқаро онлайн семинар, халқаро экспертлар иштирокида “Oʻzbekistonda Data journalism” маълумотларга асосланган журналистикани тарғиб этиш лойиҳаси доирасида семинар, “Open Data |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Challenge – 2021” хакатони ташкил этилди.<br>2023-йилнинг январь ойида “Open Data Week Uzbekistan–2022” очиқ маълумотлар ҳафталиги доирасида турли табирлар бўлиб ўтди.<br>1. Хакатон иштирокчилари учун очиқ маълумотлардан фойдаланиш бўйича жалб қилинган мутахассислар иштирокида махсус 4 та йўналишлар бўйича вебинарлар ўтказилди. Хусусан, Давлат органлари билан ишлаш орқали очиқ маълумотларни шакллантириш. Давлат секторидаги муаммоларни ҳал қилишда очиқ маълумотлардан фойдаланиш;<br>2. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ходимлари учун Даниядаги Microsoft ташкилотининг Булутли маълумотлар ва сунъий интеллект эчимлари архитектураси департаменти директори (Head of Data and AI Cloud Solution Architecture, Microsoft Denmark) Умид Ахмедов иштирокида “Сунъий интеллект” технологияларидан фойдаланишга бағишланган семинар ўтказилди.<br>3. Очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди, семинарга “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси Лойиҳа-техник ҳужжатларини экспертиза қилиш бошқармаси бошлиғи Максумов Дониёр Михайминович таклиф этилди. |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Тадбирда қуйидаги масалалар муҳокама қилинди:<br>• Open Data Inventory (ODIN), Global Data Barometer (GDB) ва бошқа очиқ маълумотлар соҳасидаги халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш;<br>• Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар екотизимининг ҳозирги ҳолати; Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотларни янада ривожлантириш истиқболлари ва йўналишлари; Ўзбекистонда “Очиқ маълумотлар сиёсати” (Open Data Policy);<br>• Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида сунъий интеллект асосида дастурий таъминотда фойдаланиш учун рақамли маълумотлар платформасини янада ривожлантириш [data.egov.uz];<br>• Халқаро транспорт форуми (Key Transport Statistics, International Transport Forum) ва бошқа халқаро ташкилотлар маълумотлар базаларида Ўзбекистон Республикаси бўйича йетишмаётган маълумотларини тўлдириш масалалари кўриб чиқилди.<br>4. “Open Data Challenge – 2022” хакатони бўлиб ўтди. Ушбу хакатон ИТ Парк ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Virtual Group IT-компанияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | ҳузуридаги Статистика агентлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги кўмагида ташкил этилди.<br>2023-йилнинг 19-26 декабрь кунлари мамлакатимизда очиқ маълумотлар ҳафталиги – “Open Data Week Uzbekistan – 2023” бўлиб ўтди. Ушбу тренинглар Статистика агентлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-Park) ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.<br>Мазкур ҳафталик доирасида бир қатор тренинглар ва учрашувлар ўтказилди. Жумладан:<br>- 19-22 декабрь кунлари, 153 та давлат ўрганлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлашга масъул бўлган 200 дан зиёд раҳбар ва ходимларга “Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълумотлар соҳасидаги ютуқлари, муаммолари ва истиқболдаги режалари” мавзусида ўқув-тренинг ташкил этилди.<br>- 20 декабрь куни Ўзбекистонда очиқ маълумотлар соҳасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар мавзусида Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | - 22 декабрь куни Статистика агентлиги ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида “Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда BIG DATA, сунъий интеллект ва электрон тижорат: муаммолар, вазифалар, ечимлар” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Шунингдек, 26 декабрь куни Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори офиси вакили билан учрашув ўтказилди.<br>https://data.egov.uz/uzbKr/news/ozbekistonda-open-data-week-uzbekistan-2023-ochiq |
| | | 4. Илғор халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда очиқ маълумотлар билан ишловчи масъул раҳбар ва ходимларни ўқитишни ташкил этиш. | Алоҳида графикка мувофиқ | 2021 йилнинг 10-25 август кунлари 127 та вазирлик ва идораларнинг 232 нафар ходимлари учун Давлат статистика қўмитаси, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки (IT-park), шунингдек, Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази томонидан ташкил этилган “Очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш”, уларнинг аҳамияти ва зарурияти, маткриаллардан фойдаланишнинг афзалликлари, маълумотлар тўпламларини |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталининг (https://data.egov.uz/) янги талқинига жойлаштириш бўйича кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган онлайн ўқув курслари бўлиб ўтди.<br>2022 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони билан тасдиқланган Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ эълон қилиб борилишини таъминлаш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Давлат статистика қўмитаси масъул ходимлари томонидан барча ҳудудларда “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш” мавзусида семинар ўтказилди.<br>2022 йилнинг 29 август куни вилоят, туман (шаҳар) халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари, котибият мудирлари, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалаларига масъул бўлган ахборот хизматлари раҳбарлари учун Сенатнинг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | агентлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси ҳамкорлигида “Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ижтимоий аҳамиятга молик очиқ маълумотларни расмий веб-сайтлар ва Очиқ маълумотлар порталига (data.egov.uz) жойлаштириш масалалари” мавзусида ўқув семинари ташкил этилди.<br>2023-йилнинг 19-26 декабрь кунлари мамлакатимизда очиқ маълумотлар ҳафталиги – “Open Data Week Uzbekistan – 2023” ўтказилган бўлиб, мазкур ҳафталик доирасида жорий йилнинг 19-22 декабрь кунлари, 153 та давлат ўрганлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлашга масъул бўлган 200 дан зиёд раҳбар ва ходимларга “Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълумотлар соҳасидаги ютуқлари, муаммолари ва истиқболдаги режалари” мавзусида ўқув-тренинг ташкил этилди. |
| | | 5. Очиқ маълумотлар бўйича ҳамжамиятни шакллантириш ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида очиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда фаолият юритаётган дастурий маҳсулотлар ва хизматлар бозорини яратиш ва такомиллаштириш | Доимий равишда | 2021 йилнинг 3-5 декабрь кунлари IT-Park да Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, “Dubai Future Foundation” фонди, IT Academy, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамкорлигида мукофот жамғармаси 55 000 АҚШ долларини ташкил қилувчи “Open Data |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | мақсадида “Open Data Challenge” ва “Хакатон” каби тадбирларни ташкил этиш. | | Challenge 2021” янги хакатонига рўйхатдан ўтиш бошлангани тўғрисида эълон берилди.<br>https://data.egov.uz/uzbKr/news/open-data-challenge-2021-xakatoniga-royxatdan-otis<br>2021 йилнинг 3-5 декабрь кунлари Давлат статистика қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ёшлари ишлари агентлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, IT-Park Uzbekistan, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Dubai Future Foundation билан ҳамкорликда “Open Data Challenge 2021” кенг кўламли хакатони ташкил этилди.<br>Мазкур хакатонда 161 та жамоа тузилиб, уларнинг ҳар бири давлат сектори (22 та), ижтимоий сектор (73 та), тадбиркорлик соҳаси (41 та), коррупцияга қарши курашиш (25 та) йўналишлари бўйича ўз лойиҳаларини тақдим этди.<br>2023-йилнинг январь ойида “Open Data Week Uzbekistan–2022” очиқ маълумотлар ҳафталиги доирасида турли табирлар бўлиб ўтди.<br>1. Хакатон иштирокчилари учун очиқ маълумотлардан фойдаланиш бўйича жалб қилинган мутахассислар иштирокида махсус 4 та йўналишлар бўйича вебинарлар ўтказилди. Хусусан, Давлат органлари билан ишлаш орқали очиқ маълумотларни шакллантириш. Давлат секторидаги муаммоларни ҳал қилишда |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | очиқ маълумотлардан фойдаланиш;<br>• Ижтимоий сектордаги мавжуд муаммолар, мавжуд ижтимоий лойиҳалар, лойиҳаларни ишлаб чиқишда қайерда ва қандай очиқ маълумотлардан фойдаланиш мумкин;<br>• Сунъий интеллект соҳасида стартап яратишда очиқ маълумотлардан фойдаланиш;<br>• Коррупцияга қарши кураш йўналишида қандай муаммолар мавжуд ва очиқ маълумотлар ёрдамида қандай ечимлар топилди.<br>2. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ходимлари учун Даниядаги Microsoft ташкилотининг Булутли маълумотлар ва сунъий интеллект эчимлари архитектураси департаменти директори (Head of Data and AI Cloud Solution Architecture, Microsoft Denmark) Умид Ахмедов иштирокида “Сунъий интеллект” технологияларидан фойдаланишга бағишланган семинар ўтказилди.<br>3. Очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди, семинарга “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси Лойиҳа-техник ҳужжатларини экспертиза қилиш бошқармаси бошлиғи Максумов Дониёр Михайминович таклиф этилди.<br>Тадбирда қуйидаги масалалар муҳокама |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | қилинди:<br>• Open Data Inventory (ODIN), Global Data Barometer (GDB) ва бошқа очиқ маълумотлар соҳасидаги халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш;<br>• Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар екотизимининг ҳозирги ҳолати; Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотларни янада ривожлантириш истиқболлари ва йўналишлари; Ўзбекистонда “Очиқ маълумотлар сиёсати” (Open Data Policy);<br>• Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида сунъий интеллект асосида дастурий таъминотда фойдаланиш учун рақамли маълумотлар платформасини янада ривожлантириш [data.egov.uz];<br>• Халқаро транспорт форуми (Key Transport Statistics, International Transport Forum) ва бошқа халқаро ташкилотлар маълумотлар базаларида Ўзбекистон Республикаси бўйича йетишмаётган маълумотларини тўлдириш масалалари кўриб чиқилди.<br>4. “Open Data Challenge – 2022” хакатони бўлиб ўтди. Ушбу хакатон ИТ Парк ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Virtual Group IT-компанияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ва |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги кўмагида ташкил этилди. |